Фуқаролик процессида суд мажлиси баённомалари ва стенограммаларини юритиш

Муминов Сардорбек Холмуродович
Ўзбекистон Республикаси Судъялар
Олий Кенгаши Судъялар Олий Мактаби магистранти

Аннотация: Ушбу илмий ишда фуқаролик процессида суд мажлиси баённомалари ва стенограммаларини юритишнинг ўзига хос жихатлари хақила етарлича маълумотлар келтирилган. Шунингдек, илмий ишни ёритишда республикамизнинг қонуний хужжатларидан фойдаланилган.
Калит сўзлар: Суд-тергов, видео, аудио, фонограмма, видеокассета, кинотасма, видеобаённома, суд мажлиси.

2017 йилнинг 8 февралида матбуотда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармон билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳамда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”да электрон тартибда суд ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини, шу жумладан, процесс иштирокчилари билан ўзаро электрон ҳамкорликни амалга ошириш, видеоконференцалоқадан фойдаланишни, шунингдек процессуал ҳаракатларни видео, аудио қайд этишни, суд-тергов жараёнларини стенограмма қилишнинг янги турларини кенгроқ жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилди (73 ва 82-бандлар).

Судья томонидан амалга ошириладиган ҳар қандай процессуал ҳаракат тўғрисида баённома тузилавермайди. Масалан, суд буйруғини чиқариш жараёни баённома билан расмийлаштирилмайди. Зеро, ФПКнинг 170-моддасига кўра, суд буйруғи низосиз талаблар бўйича суд муҳокамаси ўтказмасдан берилган суд ҳужжатидир.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ФПК ишда иштирок этувчи шахсларга суд муҳокамаси чоғидаги иш учун аҳамиятли деб ҳисоблаган ҳолатларни овоз ёзиш, видеоёзув ёки кинотасвирга олиш воситаларида акс эттирилишини ва фонограмма, видеокассета, кинотасманинг суд мажлиси баённомасига илова қилинишини талаб қилишларини назарда тутмаган. Бироқ ФПКнинг 277-моддасида суд мажлисининг баённомасида ишни кўришнинг ёки алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг барча муҳим жиҳатлари акс эттирилиши лозим, деган нормадан келиб чиқиб, ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамаси чоғидаги иш учун аҳамиятли деб ҳисоблаган ҳолатларни овоз ёзиш, видеоёзув ёки кинотасвирга олиш воситаларида акс эттирилишини ва фонограмма, видеокассета, кинотасманинг суд мажлиси баённомасига илова қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Маълумки, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлашда фуқаролик ишлари бўйича судлар алоҳида аҳамият касб этади. Буни мазкур судларга келиб тушаётган мурожаатларнинг кўплигидан ҳам билиш мумкин. Ўз навбатида фуқаролик ишлари бўйича судлар юқорида қайд этилган вазифаларни амалга оширишида улар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонуний ва асосли бўлиши ҳамда суд ишларини юритишдаги

процессуал ҳужжатларнинг сифатли бўлиши муҳим рол ўйнайди. Айниқса, бу борада суд мажлиси ва суд мажлисидан ташқари амалга оширилган бошқа процессуал ҳаракатлар тўғрисида юритиладиган баённоманинг мазмуни, уни юритиш тартиби каби масалаларга эътибор бериш талаб этилади.

Фуқаролик процессида баённома юритишнинг аҳамияти шундан иборатки, баённома исботлаш воситаси ҳисобланиб, процесснинг барча иштирокчиларига, шунингдек суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текширувчи юқори суд инстанцияларига қуйи суднинг ҳаракатларида процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартиб-таомилларга риоя қилинганлигини, у ёки бу процессуал ҳаракатлар ва ҳужжатларнинг қонунийлигини текшириш имконини беради. Айнан суд мажлисининг баённомаси асосида юқори турувчи инстанция суди фуқаролик ишини кўриш ва ҳал этиш бўйича биринчи инстанция судининг қонун талабларини бажарганлиги ҳақида ўз фикрини шакллантириб олади.

Таъкидлаш керакки, судда фуқаролик ишини кўриш вақтида овоз ёзиш техник воситалари орқали суд мажлисининг ёзиб олиниши судьянинг ишни кўриш бўйича масъуллиятини кучайтиради ва суд процессларининг сифатини оширишга хизмат қилади. Ундан ташқари, суд мажлиси баённомасини ўзгартириб қўйиш ёки уни йўқолиб қолиши каби салбий ҳолатларга барҳам беради, суд мажлиси котибининг иш юкламасини ҳам бирмунча енгиллаштиради, чунки суд мажлисини овоз ёзиш техник воситалари ёки видео орқали ёзиб олиниши суд мажлисида бўлиб ўтган ҳодисаларни ўзида тўлиқ акс эттиради. Мутахассисларнинг фикрича, хатто тажрибали котиб ҳам суд мажлисида бўлиб ўтаётган ва иш учун муҳим бўлган барча ҳолатларни ёзиб бориш имкониятига эга бўлавермайди.

Хулоса. “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ иш материаллари билан танишиш ҳамда ишни судда ва бошқа органларда кўриш чоғида овоз ёзиш қурилмалари ҳамда бошқа техника воситаларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Шундай экан, бу ва юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексида ҳам процесс иштирокчилари очиқ суд мажлисида аудиотехника воситаларидан фойдаланган ҳолда овозларни ёзиб олиш ҳуқуқига эга бўлиши, бироқ фотосуратга, видео-ёзувга ва кинога тушириш, суд мажлиси жойидан радио ёки телевидениега тўғридан-тўғри олиб кўрсатиш ёки эшиттириш қилиш ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган шахсларнинг фикри эътиборга олган ҳолда суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан амалга оширилиши ҳақидаги нормани белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу қоиданинг киритилиши суд мажлисидаги тартиб-таомилларга қатъий риоя этилишини таъминлайди, далилларнинг сохталаштирилишини, суд мажлиси баённомасининг ўзгартирилиши каби нохуш ҳолатларнинг олдини олади. Бу эса охир-оқибат судда ишларни тўғри ва ўз вақтида кўриш ҳамда ҳал этишни таъминлайди, бузилган ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлар ҳимоясини қўшимча равишда кафолатлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда.
2. Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14.11.2002. №138-ФЗ. www.consultant.ru

3. Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь // Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999. № 18-19, 2/13. www.consultant.ru; Kodeksy.by, 2016 - Кодексы Республики Беларусь.
4. Гражданский процессуальный кодекс Украины от 18 марта 2004 года // ВВР. – 2004. № 40 – 41, 42. – ст. 492
5. Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 12-модда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 514-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда.
6. Мамасиддиқов М.М., Ёдгоров Х.Б., Давлетов Ў.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Махсус қисм / Дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. –Тошкент. Ҳарбий-техник институти нашриёти. 2018. –120 б.

WORDLY KNOWLEDGE